# УРУШ ҚУРБОНЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига катта мусибат келтирди: 5О миллион киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, кўплаб одамлар майиб, мажруҳ бўлиб қолди. Ўзбекистонда ҳам бу уруш жабрини тортмаган хонадон қолмади ҳисоб. 45О мингдан кўпроқ ўзбек ўғлони жанг майдонларидан қайтиб келмади.

9 Май — Ғалаба куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги Номаълум аскар қабрини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Мангу олов ёниб турган зиёратгоҳга Ўзбекистон Олий Мажлиси, Республика Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамоатчилиги вакиллари, Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

1941-1945 йиллардаги урушда оғир ярадор бўлиб Тошкент госпиталларида ҳаётдан кўз юмган жангчилар дафн этилган «Биродорлик қабристони» ҳам шу куни одамлар билан гавжум бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу ердаги «Мотамсаро она» меъмориал ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Ёдгорлик пойига Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, уруш ва меҳнат фахрийлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар жамоатчилиги номидан ҳам баҳорнинг анвойи гуллари қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу ерда ҳозир бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашди.

— Мен барчамиз учун қутлуғ бўлган мана шу улуғ айёмда, — деди жумладан Ўзбекистон Президенти, — авваломбор, демократик жамият қуришда фаол қатнашаётган, оғиримизни енгил қилаётган, ўзларининг оқ фотиҳалари ва қимматли насиҳатлари билан кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшаётган, ёш авлодни мустақил Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатаётган азиз фахрийларимизга ўз миннатдорлигимни билдираман. Уларнинг сафларимизда соғ-саломат юрганликлари бизлар учун катта бойликдир. Фахрийларимизнинг қадрига етмоғимиз, орзулари рўёбга чиқиши учун қўлимиздан келган ёрдамни сира аямаслигимиз керак. Афсуски, баъзан ҳаёт ташвишлари, турли муаммолар билан ўралашиб, уларга етарлича эътибор бермаймиз.

Мен шу улуғ айём кунида бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Биз қарияларимизни қанчалик эъзозласак, уларнинг қадрига етсак, ишларимиз шунча яхши бўлади. Уларни қанча ҳурмат қилсак, кексайганимизда фарзандларимиз ҳам бизларни шундай қадрлайди, ардоқлайди. Нима эксанг шуни ўрасан, деган нақл бекорга айтилмаган. Буни сира эсдан чиқармаслигимиз керак.

Биз 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан Ғалаба қозондик. Мендан биров Ғалаба куни ҳақида нима дея оласиз, деб сўраса, шундай жавоб берар эдим: бу кун мана шу мусаффо ва тинч осмонимиз учун урушда қурбон бўлганлар куни, улар хотираси куни. Бу биринчидан.

Иккинчидан эса, уруш фахрийлари ҳамда урушнинг ўша оғир йилларида фронт орқасида ўзининг фидокорона меҳнати билан бугунги Ғалабамизни таъминлашга муносиб ҳиссасини қўшган, айни кунларда сафимизда юрган ҳамюртларимизни қадрлаш куни. Шунинг учун ҳам мен бутун жамотчиликка қарата мурожат қилиб, 9 Майни Хотира куни деб қабул қилсак, шу куни урушда қурбон бўлган юртдошларимизни эсласак, деган таклифни айтмоқчиман.

Бу ерга келаётганимда қаҳрамон шаҳарлар номлари ёзилган лавҳаларга кўзим тушди. Бу номлар олтин ҳарфлар билан ёзилган. Албатта, уларга бу ном бекорга берилмаган.

Айни пайтда ўтган Ғалаба байрами кунида мана шу ерда айтган гапларимни яна бир бор такрорламоқчиман. Ўзбек йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб, жон бераётганида, ишончим комилки, шу шаҳарларни эмас, авваламбор ўз уйларини, оқ ювиб, оқ тараган меҳрибон оналарини, севимли ёрини, азиз фарзандларини, қариндош уруғларию дўст биродарларини ўйлаганлар. Ҳамюртларимиз урушда Европадаги қандайдир тепалик ёки қаҳрамон шаҳарлар учун эмас, биринчи навбатда, жонажон юртимиз, унинг озодлиги ва мустақиллиги, порлоқ келажаги учун жонини фидо қилганлар. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб, жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштирсак, улар ҳурматини жойига қўйсак, жуда савобли иш қилган бўлар эдик.

Менимча, Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган барча азиз юртдошларимизнинг хотирасини мана шу майдонда абадийлаштиришимиз лозим. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Ижодкорлар, қурувчилар, айниқса меъморлар бу хусусда ўз таклифларини айтишса яхши бўлар эди. Балки махсус танлов ўтказиш керакдир. Хуллас, шу хайрли ишни амалга ошириш вақти келди.

Маросимларда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

Ғалаба куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида, шаҳарнинг маданият ва истироҳат боғларида, марказий хиёбонларда халқ сайиллари кечгача давом этди. Уруш қатнашчилари билан турли учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Санъат усталари ижросида ранг-баранг концерт дастурлари, томошалар намойиш этилди, спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1998 йил 12 май, сешанба • № 56 (22.293).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


# АМАЛИЙ ИШЛАР ЭКО ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 10-11 май кунлари ЭКО – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашувида қатнашиш учун Алмати шаҳрига ташриф буюрди. Алмати аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини 1977 йили Эрон, Покистон ва Туркия давлатлари биргаликда ташкил этган эди. 1992 йили Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбойжон ва Афғонистоннинг қўшилиши билан мазкур ташкилотнинг ҳудудий қамрови анча кенгайди, унга аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиши учун қулай имкониятлар туғилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, Президент Ислом Каримов доимо ЭКО – иқтисодий ташкилот эканини, binoбарин, унинг фаолиятини сиёсийлаштириш ва мафкуралаштиришга йўл қўйиб бўлмаслигини қатъият билан таъкидлаб келади. Давлатимиз раҳбарининг фикрича, бу ташкилот «ўз моҳияти, ўз номи ва вазифаси бўйича иқтисодий, гуманитар ва коммуникацион муаммоларни ҳал этиши лозим».

Давлатимиз раҳбари учрашувга жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан бўлган суҳбатида ҳам ана шу нуқтаи назарини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистоннинг ЭКО фаолиятида қатнашишидан кўзда тутилган мақсадлар ҳақида тўхталди. Биринчидан, бу ташкилот ишида иштирок этиш бизга қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун зарур. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Иккинчи мақсад эса минтақадаги гуманитар муаммоларни биргаликда ҳал этиш, тарихий замини бир бўлган халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборатдир. Учинчи, энг муҳим вазифа—бу мавжуд табиий салоҳиятимизни дунёга олиб чиқиш учун коммуникация тармоқларини вужудга келтиришдан иборатдир. Чунки бу муаммони ҳал этмай туриб 300 миллион аҳоли яшайдиган улкан ҳудудда иқтисодий тараққиётга эришиш қийин.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашуви Алматидаги муҳташам «Анқара» меҳмонхонасининг мажлислар залида бошланди. Туркманистон Президенти С. Ниёзов ЭКОга раислик қилиш ваколатини Қозоғистон Президенти Н.Назарбоевга топширди. Қозоғистон раҳбари учрашув қатнашчиларини муборакбод этиб, анжуманни очиқ деб эълон қилди.

Сўнг саммит қатнашчилари—Афғонистон, Озарбойжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, шунингдек ЭКО бош котиби ҳамда бир неча нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг нутқ ва маърузаларини тингладилар.

Нотиқлар ЭКО доирасидаги ҳамкорлик бераётган илк самаралар ҳақида тўхталиб, минтақа мамлакатларининг иқтисодиёт, маданият, коммуникация соҳаларида биргаликда амалга ошираҗак лойиҳалари тараққиётимизни тезлаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш йўлларини муҳокама қилдилар.



СУРАТДА: учрашув пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ҳар қандай халқаро ташкилотнинг, жумладан ЭКО ва унинг ижроия қўмиталарининг фаолиятини ҳам баҳолашда амалий ишлар асосий мезон бўлиши лозимлигига саммит қатнашчиларининг эътиборини қаратди. Халқларимизга қуруқ ваъдалар, баландпарвоз шиор ва ташаббуслар эмас, балки амалий, аниқ ишлар кераклигини, ҳеч ким бундай юксак минбарлардан сиёсий обрў орттириш, бошқаларга ўз қарашларини тиқиштириш мақсадида фойдаланмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Саммит қатнашчилари минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, ЭКОнинг келгуси фаолиятини такомиллаштириш йўллари белгиланган Алмати Декларациясини тасдиқладилар. Шунингдек, аъзо мамлакатлар ўртасида юк ташиш борасидаги тўсиқларни бартараф этишга, контрабандага қарши биргаликда курашишга қаратилган ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг Алматига сафари чоғида унга Бош вазир ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Президентнинг матбуот котиби А.Зиёев ҳамроҳлик қилди.

***

11 май куни Президент И. Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Аҳмад ХЎЖА,**
**(ЎзА).**
**Тошкент — Алмати — Тошкент.**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Раис жаноблари,
Муҳтарам Бош котиб жаноблари,
Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари,

Бу ерда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларини қутлаш ҳамда ҳамкорликдаги ишимиз халқларимиз ва давлатларимиз равнақи йўлида самарали бўлади, деб ишонч билдириш менга улкан мамнуният бахш этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудуди ноёб геостратегик макон бўлиб, бой маданий мерос, қадимий цивилизация ва гўзал анъаналарга эга.

Кўпгина мамлакатлар минерал ресурслар ва энергетик хомашёнинг мавжуд ҳажми, транзит инфратузилма барпо этиши имкониятлари бўйича минтақадагина эмас, бутун дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг ўтган олти йили мобайнида маълум шарт-шароитлар, зарур ҳуқуқий ва меъёрий асос барпо этилди, минтақадаги мамлакатлар тараққиёти учун муҳим аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш имконини берадиган сезиларли тажриба тўпланди.

Айни пайтда шуни очиқ эътироф этишимиз лозимки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақа учун жуда зарур бўлган лойиҳа ва дастурларни мантиқий якунига етказиш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ҳар бир аъзоси бу лойиҳаларнинг самарадорлиги ва аҳамиятини ўз мисолида ҳис этишига имкон берадиган ҳамкорлик жипслашуви даражасига чиқа олгани йўқ. **Назаримизда, бундай шароитда, саъй-ҳаракатларнинг ҳаддан ташқари майдалашиб кетиши Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида қўлланиладиган ташаббусларнинг самарадорлиги ва натижа беришини сусайтириб қўйиши мумкин.**

Шу муносабат билан **биз ҳозирги босқичда Ташкилотнинг кўплаб институт ва тузилмаларини барпо этишга зарурат йўқ, деб ҳисоблаймиз.** Улар келажакда бизнинг эътиборимиз, имкониятларимиз ва саъй-ҳаракатларимизни ҳозирги пайтда минтақамиз учун ўта муҳим ва устувор бўлган асосий дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратиш ўрнига, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг туб мақсад ва вазифаларидан **чалғитиши** мумкин.

Биз шунга чуқур аминмизки, бугунги кунда биргаликда истиқомат қилишимиз ва қўшничилигимизнинг мавжуд ҳолатини, яъни минтақамиздаги айрим мамлакатларда узоқ йиллар мобайнида халқларимиз ва давлатларимизга, **минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ишончни**

(Давоми 2-бетда)

*Бу дунёнинг ишлари*

## КУБА ҲЕЧ КИМГА ХАВФ СОЛМАЙДИ

*АҚШ Мудофаа вазирлиги ўзининг Конгрессга берган ҳисоботида шундай деб ёзади. Айни пайтда Куба Қўшма Штатларга ҳам, атрофдаги бошқа давлатларга ҳам ҳарбий қутқу сололмайди. Чунки унинг иқтисодий аҳволи ночор. Озодлик ороли 1989 йилдан бери унга собиқ Совет Иттифоқи ёрдам бермай қўйгандан сўнг, ҳарбий бюджетини икки баравар камайтирди. Лекин Кубада биологик қурол ишлаб чиқариш учун илмий ва техник имкониятлар бор. АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн ўз хатида Конгрессни шундай деб огоҳлантирди.*

## НАЗОРАТ БЎШАШГАЧ...

*Африка қитъасида яқин беш йил ичида гиёҳвандлик моддалари савдоси ва уни истеъмол қилиш бир неча ҳиссага ортади. БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш дастури вакиллари эълон қилган ҳисоботда ана шундай дейилади.*

*Ҳисоботда айтилишича, сўнгги йилларда Африканинг 10 мамлакатида ҳукумат томонидан бу жиноятни назорат қилиш, олдини олиш ва муаммони бартараф этиш борасида ҳеч қандай чора-тадбир ўтказилмаган. Айни пайтда гиёҳванд моддалар савдосининг 12 фоизи Африка қитъаси ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич эса йилдан йилга ортиб бораётгани ғоят ачинарли ҳолдир.*

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

*АҚШдан Ироққа навбатдаги инсонпарварлик ёрдами жўнатилди. Касалманд болалар соғлиғини қайта тиклаш мақсадида юборилган бу ёрдамнинг асосий қисмининг баҳоси 4 миллион АҚШ долларига тенг бўлган дори-дармонлар ташкил қилади.*

*АҚШ Инсонпарварлик ташкилоти вакили Дирдре Синнота жаҳон ҳамжамиятини Ироқ болаларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга даъват қилди. Шунингдек, у бир неча йиллардан буён Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш вақти етганини таъкидлади.*

## ЖУРНАЛИСТ ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ

*Хитойда ноқонуний хатти-ҳаракат қилганликда айбланиб ҳибсга олинган австралиялик журналист Эндро Болт озодликка чиқарилди. У бир неча кун илгари Хайнан оролидаги Хайкоу портида сақланаётган Малайзиянинг «Петро Рэнжер» кемаси бошлиғидан интервью олишга уринган. Ҳолбуки, маҳаллий ҳукумат журналистларнинг экипаж аъзолари билан учрашишини тақиқлаган эди. Э.Болт эса яширин йўллар билан кемага кирган.*

*Маълумки, 1,5 миллион тонна нефть маҳсулотлари юкланган бу кема ўтган ой номаълум сабабларга кўра йўқолган эди. Унда 20 киши бўлган. Кейинчалик кемани қароқчилар ўғирлаб кетгани маълум бўлди. Тез орада Хитой денгиз хизматчилари кемани ўғирлаган 12 нафар индонезиялик қароқчини қўлга олди. Айни пайтда бу жиноят юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.*

## ВАТАНЛАРИГА ҚАЙТИШМОҚДА

*Таиланд ва Камбоджа ҳукуматлари камбоджалик қочоқларни ватанига қайтариш борасида ҳамкорлик қилишга келишиб олди.*

*Камбоджа ҳукумат қўшинлари ва «Қизил кхмерлар» ўртасида бўлиб ўтган икки ойлик тўқнашувлар сабаб кўплаб камбоджаликлар ўз уй-жойини ташлаб, Таиланд ҳудудига қочиб ўтган эди. Маълумотларга қараганда, айни пайтда Таиландда 90 мингга яқин камбоджалик қочоқ бор. Камбоджа ҳукумати 26 июлда бўлажак мамлакат парламенти сайловларида барча фуқаролар иштирок этиши зарурлигини назарда тутиб, қочоқларни тезда ватанига қайтариш масаласи ҳозир жуда долзарб вазифа эканини маълум қилди.*

**ХАБАРЛАР, ЎЗГАРИШЛАР**

## ЭЛЧИ ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

АНДИЖОН. Давлат муҳандислик иқтисодиёт институтига Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Хэй хоним ташриф буюрди. Элчи институт жамоасига кичик ноширлик жиҳозлари жамламасини топширди. Меҳмоннинг ташрифи Буюк Британиядаги Ноу Хау жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказиладиган семинар ўқуви тадбирига тўғри келди. Хорижлик профессорлар Крис Найт, Джон Бюглизлар ўқув ишида қатнашдилар.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

## ҲАВАСКОР ТЕННИСЧИГА «ТИКО»

НАМАНГАН. «Наманган ҳақиқати» вилоят газетаси шу йилнинг 15-18 май кунлари ҳаваскор теннисчилар учун халқаро турнир ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Беллашувларга Марказий Осиё республикаларининг ҳаваскор теннисчилари таклиф этилмоқда. Турнирда 35 ёшдан катта теннисчилар қатнашадилар. Биринчи ўрин соҳибига таҳририят «Тико» автомобилини бош соврин қилиб қўйди. Турнирга Наманганда қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ**

## МАРҒИЛОНДА ҲАМ ЗАРДЎЗЛАР БОР

ФАРҒОНА. Марғилон — ҳунармандлар шаҳри. «Ёдгорлик» фабрикасида миллий ҳунармандчиликка асосланган маҳсулотлар — дўппи, беқасам тўн, зарчопон, чорси-қийиқлар, сўзаналар тайёрланади. Моҳир чеварлардан М. Раҳимова зардўзлик сирлари билан ошно бўлиш ниятида Бухорога бориб келди. Қизиғи шундаки, Марғилон зардўзлари тайёрлаётган маҳсулотлар камалак ранглиги билан фарқланади. Яқинда XVII-XX аср бошларига хос андозалар асосида яратилган зардўзлик буюмлари кўргазмаси очилди.

**Алишер ИБОДИНОВ**

## ТАРОЗИ – ХУДО РОЗИ

НАВОИЙ. Шу вақтгача фойдаланиб келинган тарози тошлар эскириб, оғирликни аниқ белгилашда сотувчи билан харидор ўртасида ўзига хос ноқулайликларни юзага келтираётган эди. Энди бунинг олди олинадиган бўлди. Машинасозлик заводида 0,5-5 килограммликкача бўлган тарози тошлари ясалмоқда. Корхона мутахассислари кўпгина халқ истеъмоли моллари қатори ихчам тарозиларни ҳам ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўришмоқда. Халқ ибораси билан айтганда тарози — худо рози бўлса, ажабмас.

**Музаффар ШАРОПОВ**

# МЕҲР-МУРУВВАТ НАМОЙИШИ




**10 май куни пойтахтимизнинг «Ле Меридиан» меҳмонхонаси фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни шарафига хайрия тадбири ўтказди. Шу куни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий фирмаларнинг вакиллари ўртасида югуриш мусобақаси ўтказилди. Фирмаларнинг вакиллари ҳар бир югурувчи ҳисобига ажратган маълум маблағларини мусобақа жамғармасига қўшдилар.**

**Шуниси диққатга сазоворки, ушбу тадбирдан тушган маблағ мамлакатимиздаги ногиронлар уйларига, туғма ногирон бўлиб қолган болаларга берилади. Ушбу хайрия тадбирида бошқа фирмалар қатори «ПИНАР» фирмасидан етти йигит қатнашди.**

**Югуриш мусобақасида эса 7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар иштирок этишди. Тўрт километрга югуриш мусобақасида ғолиблар ҳам, совриндорлар ҳам бўлди. Бироқ, ҳеч ким ютқазмади.**

**Ушбу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.**

**Суратда: «ПИНАР» фирмаси югурувчилари.**

**Шавкат АКРОМОВ олган сурат.**

## ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР

*Нидерландия қироличаси Беатрикс мамлакатда ўтказилган парламент сайловидан кейин қонун чиқарувчи орган палаталари раислари — Фриц Корталс Алтес ва Пит Бюкман ҳамда давлат маслаҳатчиси раисининг ўринбосари Ҳерман Тенк билан учрашди. Сайлов натижалари ва келажакда коалицион ҳукумат тузиш масаласи суҳбатнинг бош мавзуси бўлди. Қиролича мамлакатдаги етакчи сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашишни ҳам режалаштирган.*

*Дастлабки маълумотларга қараганда, бўлиб ўтган парламент сайловида бирор партия ҳам етарли даражада овоз тўплай олмаган. Шу боис яқин кунларда иккинчи босқич сайловлари бўлиб ўтади.*

## АЛОҚАЛАР КЕНГАЯДИ

*Макао 1999 йили ХХР тасарруфига ўтганидан кейин ҳам Европа Иттифоқининг мазкур давлат билан ҳамкорлик алоқалари кенгаяверади, деб баёнот берди ЕИ комиссияси раисининг ўринбосари Леон Бриттен.*

*Айни пайтда Макаода 1999 йилдан эътиборан Хитойнинг махсус маъмурий тумани мақомини олишга қаратилган тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. ЕИ комиссияси ҳам Макао билан келажакда алоқаларни янада кенгайтириш чораларини ишлаб чиқмоқда. Маълумки, 1992 йилда Европа Иттифоқи билан Макао ўртасида ўзаро савдо-сотиқ ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.*

## КЎРГАЗМАГА ҲОЗИРЛИК

*Жорий йилнинг 26 октябридан 1 ноябригача Жанубий Корея пойтахтида «Сеул аэрошоу-98» кўргазмаси бўлиб ўтади. Шу кунгача 13 мамлакатдан 47 компания мазкур тадбирда иштирок этиш истагини билдирди.*

*Корея Республикаси аэрокосмик саноати уюшмаси раиси ўринбосари Квак Бен Гонинг айтишича, бўлажак кўргазмада авиация соҳасида фаолият юритаётган 140 га яқин хорижий ҳамда 20 та маҳаллий фирма ва компаниялар иштирок этади.*

## ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

*ГФР парламенти Белград ва Косово аҳолисини ўзаро мулоқотга чорлаб, шу йўл билан ўлкадаги беқарорликни бартараф қилишга даъват этди. Бу ҳақда Германия бундестаги махсус резолюция қабул қилди. Шу билан бирга Германия парламенти қуйи палатаси аъзолари жаҳон ҳамжамиятини ўлка можароларини бартараф этишда фаол иштирок этишга чақирди.*



**НЬЮ-ЙОРК ОСМОНЎПАРИ**

# ЖИНОЯТЧИ КЎЗГУ

**Турфа олам**

Қотил одамнинг ширин жонига қасд қилади, қонини тўкади. Кўзгу-чи? Лекин, қотил кўзгу ҳам бўларкан. Мана, у икки ярим асрдан бери 38 нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлди.

Кўзгу қизил дубдан тайёрланиб, ҳошиясига «Луи Арло, 1743 йил» деган ёзув битилган. Қимматбаҳо безаклар бериб ишланган тошойна сирли қотиллик содир этади. Чунки, уни сотиб олган уй соҳиби, вақт ўтиши билан мияга қон қуюлиши касалига мубтало бўлиб қолади. Ҳозирча ушбу «сир»нинг тагига ҳеч ким етолмаяпти.

Тиббий экспертларнинг ташвиш билан таъкидлашича, агар зудлик билан у «қўлга олинмаса» кўзгу яна кишилар ёстиғини қуритишда давом этиши мумкин эмиш.

— Ойна 1910 йилда икки кишини «ўлдирган». У полициянинг омборхонасида сақланиб келинарди, — дейди Париждаги асори-атиқа буюмлар савдоси ассоциацияси бошлиғи Эмиль Френе — Бундан уч йил олдин шу омборга (полиция омборига-я?!) ўғри тушди-ю, бир қанча буюмлар билан бирга шу кўзгуниям ўмариб кетди. Маълумки, ўғри уни барибир, сотади. Шунинг учун қонхўр ойна «қидирувдаги жиноятчилар» қаторига қўшилган. Кимки уни «кўрса» дарҳол ҳукуматга «топшириш»ини сўраганмиз. Ким сотгани аҳамиятсиз, муҳими «ойна»!

Қадимий тошойнани асли кўпчилик унутаёзганди. Қўлдан-қўлга ўтавериб, кимдир яна «заҳарлагач», қидир-қидирга тушишарди. Салкам бир аср омборхонада жимгина турган асори-атиқанинг йўқолганиниям полициячилар билмай қолишди. Криминалчи профессор тўсатдан қизиқиб қолиб, полициячилардан кўришга рухсат сўрагандагина «жиноятчи ойна «қочгани» маълум бўп қолган.

Профессор ундан сурат-нусха кўчириб, ўз лекциясида фойдаланмоқчи бўлганди. Уч йилдирки, уни «пойлашади». Қани қўлга тушса. Балки, сингандир? Синмаган, «тирик» бўлса-чи?! Унда ойнанинг навбатдаги 39-чи соҳибининг ўлимини кутишга тўғри келади. Бировлар, балки у «қотиллик»ни ташлагандир, деган мулоҳазани айтяпти. Экспертчилар бўлса, «Йўқ, кўзгу ҳалиям«тузалмаган» деган фикрда.

**Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Асримиз охирига келиб, Ер куррасида фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши, бир томондан, Ғарб давлатларининг иқтисодий қудратини ошираётган бўлса, иккинчидан, уларнинг энергия манбаларига бўлган эҳтиёжларини тобора кучайтирмоқда.

Келажакда жаҳон давлатлари тараққиёти қай даражада бўлишини белгилаб берувчи ана шундай энергия манбалари республикамиз ҳудудида кенг тарқалгандир. Нефть, газ ва ўзга ёқилғи манбаларидан унумли фойдаланиш ва уларни ўзлаштиришга хорижий сармояларни кенг жалб этишимиз замон талабидир. Республикамиз қисқа фурсат ичида қатор ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик қилиб ушбу соҳада ижобий силжишларга муваффақ бўлди.

Охирги пайтларда фойдали қазилмаларга жуда бой бўлган Марказий Осиё минтақаси АҚШ, Япония, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа Ғарб давлатлари эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Энергия манбалари танқислигини сеза бошлаган қатор давлатлар, ўзларига янги манбаларни очиш ниятида, барча имкониятларини ишга солишга ва бу йўлда катта ҳажмдаги маблағларни сарфлашга ҳам тайёрдирлар.

Ҳозирги кунда энергия манбаларига муҳтож бўлган, иқтисодий жиҳатдан қудратли давлат Япония ҳам Россиянинг Узоқ Шарқ ҳудудидаги фойдали қазилма заҳираларини ўзлаштиришга ёрдам беришга ва ушбу йўлда 200 млрд. АҚШ доллари маблағ сарфлашга тайёрлигини билдирмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юқори кўрсаткичлар билан ривожланиб бораётган ХХР иқтисоди, келажакда яқин атрофда жойлашган қўшни давлатлар ҳудудида мавжуд бўлган нефть, газ ва электр энергиясига муҳтожлик сеза бошлайди.

Республикамиз билан Япония ўртасидаги алоқалар бир вақтнинг ўзида икки йўналишда ривожланмоқда. Булар, биринчи ўринда, икки томонлама ҳамкорлик бўлиб, ўз ичига иқтисодиёт, фан ва маданият соҳаларини қамраб олади. Ўзбекистон тарафидан Японияни БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо этиб сайлаш тўғрисидаги таклиф эса сиёсий жабҳадаги ҳамкорлик белгисидир. Ўз навбатида, Япония Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик, минтақавий можароларнинг тинч ва ўзаро келишув йўллари орқали ҳал қилиш борасида олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлаш билан биргаликда ҳамкорлик олиб бориш хусусида ижобий фикр билдирмоқда

Япония Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил қилиш тўғрисидаги таклифини фаол қўллаб-қувватламоқда. Япония Марказий Осиёда ўзига хос манфаатларига эга бўлган, ушбу минтақада тинчлик ва осойишталик бўлиши, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан интеграциялашган Марказий Осиё билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Ўтган йили Токиода Марказий Осиё муаммоларига бағишланган конференцияда Японияннинг Россиядаги собиқ элчиси Кодзи Ватакаба маъруза қилиб, Марказий Осиёнинг геосиёсий ўрнига алоҳида тўхталиб, нефть ва газнинг катта заҳиралари мавжудлиги Япония учун жуда муҳим аҳамият касб этишини айтиб, Японияннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳудудий муаммолари йўқлигини таъкидлаб ўтди. У юқорида қайд этиб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиё ривожланган давлатлар манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланиб қолмаслиги зарурлигига эътиборни қаратди. Ҳозирги кунда ана шундай муаммолар Япония, Россия, ХХР ва қатор Осиё-Тинч океани минтақасида жойлашган давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар борасида олиб борилаётган ҳамкорлик тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу давлатнинг республикамизга олиб кирган сармояси 1995 йилдан 1997 йилгача 670 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Айниқса, Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асонинг давлатимизга ташрифи икки давлат савдо— иқтисодий муносабатлари равнақида муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон билан Япония ўртасида банк ва молия соҳаларида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. 1997 йилда Тошкентда Японияннинг «Сакура» банки ваколатхонаси очилиши республикамизнинг Халқ банки ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банклари билан япон банклари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Бугунги кунда Жиззах -- Мароқандом, Учқудуқ -- Нукус, Гузор -- Бойсун -- Қумқўрғон темир йўлларида электрлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Ушбу соҳада 1996-1997 йилларда Японияннинг «Нихон Коцу гидзюцу» ва «Пасифик консалтанс интернейшнл» темир йўллари акционерлик-жамоа уюшмаларидан бир гуруҳ мутахассислар ташриф буюришди.

Маълумки, бугунги кунда Япония сайёҳлик соҳасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айни пайтда дунёда энг кўп саёҳатга чиқувчилар сони ҳам мана шу давлат ҳиссасига тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим. Лекин, Японияннинг туризм соҳаси бўйича энг йирик компанияларидан бири бўлмиш «Japan Travel Project»нинг раҳбари Хидехаро Нишимуранинг таъкидлашича, республикамизда бу соҳани ривожлантиришга жуда катта имкониятлар бор. Шундай экан, икки давлат ўртасида сайёҳликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилса ва шу соҳада кенгроқ ҳамкорлик қилинса, иккала томон учун ҳам фойдали бўлур эди.

Республикамиз билан Япония ўртасида жуда катта масофа бўлишига қарамасдан ривожланиб бораётган дўстона алоқалар янада мустаҳкамланишидан икки томон ҳам тенг манфаатдордир.

Маълумки, Марказий Осиё -- ХХР -- Япония транспорт йўлининг ишга туширилишида қадимда ота-боболаримиз савдо-сотиқ қилиб келган Буюк ипак йўлининг тикланиши орқали темир йўл магистраллари, нефть ва газ қувурларининг қурилиши назарда тутилгандир. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари олдида нафақат ХХР, Япония, балки Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан ҳам кенг қамровли алоқалар ўрнатилишига имкониятлар туғилади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари ўртасида ягона иқтисодий маконнинг ташкил этилиши ва унга янги аъзо давлатларнинг қўшилиши эса жаҳон ҳамжамиятига, қолаверса, Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан интеграциялашувга маълум маънода имконият яратади.

**Ботир БЕКТЎРАЕВ**

*Ўзбек разведкачилари*

# ГИТЛЕРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК

Гитлер қаршисида ғоз қотиб турган СС офицерларининг ҳар бирига синовчан тикилди. Бутун қора корпуснинг энг сараларидан танланган ашаддий каллакесарлардан бири унинг диққатини жалб этди.

— Штурмбаннфюрер Скорцени! — дея у бир қадам олға ташлади.

— Сизларга рухсат, — деди Гитлер қолган офицерларга. Улар чиқиб кетишгач, у Скорценининг садоқатли кўзларига нигоҳини қадади.

— Абруццо ёдингдами, Отто?

— Кечагидек ёдимда менинг фюрерим!

Отто Скорцени бундан уч ой олдин, 1943 йил июль ойида унинг номини бутун Европада машҳур қилган операцияни эслади. Ўшанда фюрер топшириғи билан Абруццо тоғидаги турмада ётган Италия Бош вазири Бенито Муссолинини озод қилиб, Берлинга келтирган эди.

— Бу иккинчи Абруццо бўлади, Отто. Ундан ҳам, ундан ҳам буюк! Бу урушда кескин ўзгариш ясайдиган операция бўлади. Унга сени раҳбар қиламан!

Штурмбаннфюрер қўлини олдинга ташлаб ҳайқирди.

— Зиг хайл.

## ҚАРИ ТУЛКИНИНГ ЎГИТИ

Давлат махфий полицияси — гестапо бошлиғи Мюллер қаршисида оёқларини чалиштириб ўтирган Гитлер эркатойига танқидий разм солди. Жуда ўзига ортиқча бино қўйворибди. Бу эса яхшиликка олиб келмайди.

— Хайрлашув олдидан сени баъзи нарсалардан яна огоҳ қилмоқчиман, Отто. Эрондаги рақибларимиз имкониятларини ўйлаб кўрдингми?

— Рус разведкасинингми?

— Йўқ. Совет разведкасининг.

— Барибир эмасми, группенфюрер.

— Йўқ, азизим Скорцени. Совет разведкаси деганда фақат русларни тушунганлар хато қилади. Тер-Петросянни биласанми? Камо лақабли машҳур разведкачи. 1922 йилда ҳалок бўлган. Миллати арман. Цюрихда, янглишмасам 1908 йилда ўзини жинниликка солган. Машҳур экспертларимизни ҳам лақиллатиб кетган. Совет разведкаси — бу Лаврентия Берия, Николай Ежов эмас. Балки Рихард Зорге. Яна кўплаб бизга номаълум кишилар. Улар ҳозирда шу ерда, нақ Берлинда ҳам ишламоқда.

Мюллер қадаҳни бўшатиб сигарет олди. Скорцени унга назокат ила гугурт тутди.

— Миннатдорман, Отто. Энди қулоқ сол. Кекса изқувар баъзи мулоҳазаларни сенга айтмоқчи. Операциянинг махфийлиги учун тўла жавобгарлигимни ҳисобга олган ҳолда сенга шарқ мақолини эслатаман. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил. Эрондаги шўро разведкаси бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Фитин анойи одамлардан эмас. Полковник Никифиров, майор Бриккел, полковник Буриченко, Качевский, Рошков каби тажрибали разведкачилар унинг қўл остида. Бош консул Максим Матвеев ҳам НКВДнинг пихини ёрган одамларидан.

Инглизларга келсак, Майор Хамберг, капитан Харт, капитан Хансоиб шарқ мамлакатларида тажриба орттирган офицерлар. Бош консул Артур Скрин аввал Қашқарда ишлаган. Хотини ҳам «Интеллиженссервис» ходимларидан.

Теҳронда Америка махфий хизматига Стратегик разведка бошқармаси ходими полковник Майкл Рейли раҳбар. Уларнинг барчаси бизга қарши ҳамма чораларни кўришган. Шунинг учун кутилмаган томондан зарбани ўйлаш лозим.

— Курдлар ҳужуми? Бомба?

— Буни ўзинг ҳал қиласан, Отто. Вазиятга кўра. Ўша жойда ҳаммаси маълум бўлади. Гестапо резиденти Майер Эрондаги кўчманчи қабилаларни қўзғолонга ундаб бир неча операцияларни амалга оширди. Қўпорувчилик, саботаж бўйича анча тажриба орттирди. Фикримча, Майер сенга кўп хизмат кўрсатади. Гапим шуки, Отто, сен операцияга душман кўзи билан назар сол. Нимани эътибордан қочирганмиз?

— Душманнинг эҳтиёт чораларини?

— Ҳа, Отто. Мен кўпроқ Осиё маккорлигидан чўчийман. Кутилмаган зарбани, ҳисобга олинмаган одамларни. Биз ҳамма душман агентурасини тўла қамраб ололмаймиз. Кейин омадга ҳам боғлиқ кўп нарса.

— Мен муваффақиятга ишонаман, группенфюрер, — деди Скорцени қатъий оҳангда.

— «Олисга сакраш» операцияси муваффақиятини таъминлаш учун Хуросон атрофида катта куч тўплаш керак. Адмирал Канарис таклифи шундай. Менимча, диққатга лойиқ фикр.

— Бу фикрга аниқлик киритамиз, группенфюрер.

— Теҳрондаги резидентимизнинг сўнгги радиограммаларидан нималар маълум?

— Штандартенфюрер Майер дастлаб Теҳрондаги арманлар қабристонида гўрков бўлиб ишлаганда ҳеч қандай шубҳа туғдирмади. Кенг агентура тармоғи яратган.

— Гўрков дейсанми?

— Ҳа. Абвер резиденти Шульце-Холтус мулла, мусулмон мулласи бўлиб Эрондаги қашқай қабилалар ўртасида обрў қозонганида бизнинг резидент гўрков бўлса нима қилибди? Бу икки резидент ҳамкорликда ишлашмоқда. Эрон ҳукуматига қарши курд, қашқай қабилаларини қайраб, уларни қуроллантиришмоқда. Германияга хайрихоҳ кишилардан иборат қуролли тўдалар ташкил этилган. Биз уларга олтин, қурол жўнатдик. Сўнгги радиограммадан маълум бўлдики, парашютчиларимиз эсон-омон белгиланган зонага тушишган.

— Демак, адмирал таклифида жон бор экан-да.

Ҳа. Ўзига хос Бранденбург полкини Теҳрон атрофида ташкил қилиш мумкин. Қизил Армия кийимидаги кишилар ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бу томонини ҳам ўйлаганмиз.

Мюллер мамнун ҳолда сигарет тутатди.

— Жуда яхши, Отто, ишга киришавер. Резидентимизга тажрибали йўриқчилар юбордик. Ҳар ҳолда, шарқ шарқ-да!

## КАЛАВАНИНГ УЧИ

Ровнодаги олмон зобитлари казиноси қошидаги ресторанннинг алоҳида бўлмасида икки ҳарбий маишат қилишмоқда.

Бири келишган, хушқомат, елкасида немис армияси капитани — гауптман — погонлари. Иккинчиси эса ўрта ёшлар чамаси, бақувват, елкасида СС қўшинлари майори — штурмбаннфюрер — погонлари.

— Такрор айтаман, Паул, — деди у капитанга, — сенинг жойинг ССда! Сира ўйлаш, иккиланишга ҳожат йўқ.

СС штурмбаннфюрери фон Ортел коньяк тўла қадаҳни бўшатиб сигарет тутатди.

— Яқин кунларда мен Эронга жўнайман, — деди у секин, — ноябрь ойида у ерда Катта Учлик тўпланади. Биз Абруццога сакрашни яна бир бор такрорлаймиз. Янаям олисга!

Гауптман Паул Зиберт ҳушёр тортди. Абруццо! Бу ғоят таниш сўз! 1943 йил июль ойида Германия иттифоқчиси Италияда давлат тўнтариши юз бериб, маршал Бадальо Гитлернинг дўсти, Бош вазир Муссолинини қамоққа олади ва баланд тоғ атрофидаги Абруццо деган жойга қамайди. Скорцени бошлиқ қўпорувчилар уни ўша жойдан озод қилишади.

— Биз бир неча гуруҳ бўлиб учамиз. Одамларни эса Копенгагендаги махсус мактабда тайёрлаяпмиз, — деди фон Ортел, — Ҳа, азизим Паул. Сени тез орада Скорцени билан таништираман. Биз бирга зўр ишларни қилайликки, Абруццо улар олдида ип эшолмасин.

Паул Зиберт шериги билан анча ўтирди. У устозининг қуйидаги сўзларини эслади:

— Разведкачи уч ҳолда сирини фош қилади. Бири маст бўлганида, иккинчиси севиб қолганида, учинчиси эса ҳам маст, ҳам ошиқ бўлганида.

Фон Ортел унга муҳим сирни ошкор қилган эди.

## ОҒА ҚАЮМИЙ КИМ ЎЗИ?

Армия қўмондони махсус бўлим бошлиғи узатган қоғозни узоқ вақт диққат билан ўқиди.

— Бу одамни шахсан биласизми?

Контрразведкачи генералнинг саволидан ажабланганини яшириб ўтирмади.

— Қасбимиз шуни тақозо этади, ўртоқ қўмондон. Шахсан билмаган ва кўрмаган одамга ҳеч ким бундай ишонч билдирмайди.

— Кечирасиз, ўртоқ полковник. Мен сизнинг кўнглингизга тегадиган гап қилмоқчи эмасдим, асло. Аммо, бу хабарномангиз муаллифи қандай улкан бир тадбир бошланаётганини тугал билармикан? Шу боис ҳам унга бирон-бир кўрсатма беришдан аввал у ҳақда кўпроқ маълумот олишни истардим.

Контрразведкачи генералга қалин бир дафтар узатди. Қўмондон уни ҳаяжон ичра ўқий бошлади.

— Чиндан ҳам бу одам бебаҳо экан, — деди у ниҳоят. — Унга зудлик билан Хуросон вилоятида кенг кўламда иш юритишга рухсат бераман.

Полковник ўрнидан турди. Генерал имзо чеккан ҳужжатларни олар экан, мамнунлигини яширмади.

— Оға Қаюмийнинг бу ахбороти, — деди генерал, — чиндан ҳам бебаҳо! Гап уруш тақдирини ҳал қилувчи тадбир ҳақида кетяпти, полковник. Олмонлар ҳали биз кўрмаган ва билмаган қандайдир катта ўйин бошламоқда.

Ўша куни кечқурун Москвода Бош разведка бошқармаси бошлиғи Ровно ўрмонларида иш кўраётган Медведев қўмондонлигидаги партизанлар отряди штабидан келган ахборотни Оға Қаюмий ахбороти билан таққослади. Улар катта калаванинг бир учини эслатарди.

Ровнодан келган ахборотда айтилишича, партизан разведкаси — олмон зобити либосида иш кўрувчи Николай Кузнецов СС хизмати ходими — штурмбаннфюрер фон Ортел билан учрашган ва ундан олмонларнинг Теҳронда қандайдир йирик қўпорувчилик тадбири тайёрлашаётганини аниқлаган. Оға Қаюмий эса Хуросон вилоятида олмонларга хайрихоҳ қашқай қабиласи йигитларида янги олмон автоматлари пайдо бўлгани ва олмон жосуслари ўз фаолиятини янада кенг қулоч ёйдираётганига доир ахборот жамлаган эди.

Разведка бошлиғи бу хабар асосида ўз мулоҳазаларини алоҳида бир далолатномага битиб, шахсан Берияга етказди.

**Ҳамдам СОДИҚОВ,**
**тарих фанлари доктори**

(Давоми бор).

